



БАДИИЙ ДЕТАЛГА ОИД ҚАРАШЛАР

Муҳаммадҷон Мамаҷонов, Ph.D

Фарғона давлат университети доценти филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Д. Комилова

Фарғона давлат университети магистранти

Аннотация: Мазкур мақолада тилшуносликда нолисоний воситаларнинг прагматик хусусиятларини ўрганиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: экстралингвистика, прагматика, белги, семиотика, нутқий фаолият, деталь, лингвопоэтика.

Кириш

Экстралингвистика тилшунослик фанининг янги соҳаларидан бири бўлиб, унинг шаклланиши Ч.Пирс, У.УЖемс, Д.Дьюн, Ч.Моррис каби файласуф олимлар номи билан боғлиқ. Нолисоний воситаларга семиотик (белги назарияси) жиҳатидан ёндашув натижасида фанда экстралингвистика соҳаси юзага келди. Профессор А.Нурмонов белги тушунчаси билан боғлиқ ҳолда нутқий фаолиятнинг ижтимоий вазифасини ажратади ҳамда унинг ахборот узатиш, қолаверса, поэтик вазифа бажаришини таъкидлайди. Бунда асосий эътибор ахборот узатиш билан бирга унинг қандай ифодаланишига ҳам қаратилади [9].

Асосий қисм

Сўзловчи нутқий фаолиятида акустик образ ва тушунча ўртасидаги муносабат натижасида ҳосил бўладиган идрокнинг белги деб юритилиши барчага маълум. Сўзловчи тасавуридаги концептнинг воқеланишида лисоний ва нолисоний воситалар иштирок этади. Нолисоний воситаларнинг белги сифатида қўлланиши бир жиҳатдан унинг поэтик вазифасини, иккинчи жиҳатдан ахборот узатувчининг ижтимоий вазифасини кўрсатади. Шунга асосан, нолисоний воситаларнинг прагматик хусусиятларини ўрганиш нафақат тилшунослик дарсларида, балки адабиётшунослик дарсларида ҳам ўқувчиларда қиёсий тафаккурнинг шаклланишига хизмат қилади.

Инсон қайсидир тилга хос умумсемантик билимларсиз сўзлаши ёки англаши мумкин эмас, аммо ўша тилга хос семантик билимлар эгаси бўлишнинг ўзи бу тилда сўзлаш ва англаш кифоя қилмайди [9, 126]. Бунинг учун сўзловчи ўзида мавжуд бўлган семантик билимлар асосида нутқ предмети ҳақидаги ахборотни ифодалаш қобилиятига эга бўлиши зарур. Ахборотни ифодалаш эса турли воситалар орқали амалга оширилади. Жумладан, ёзувчи лисоний, нолисоний воситалар ёрдамида маълум бир ахборотни беради. Ахборот ифодалашнинг мазкур воситалари ёзувчининг коммуникатив мақсади билан боғлиқ тарзда очиқ ёки яширин тарзда берилиши мумкин. Фикрнинг бундай ифодаланиши фанда прагматика атамаси билан боғланади. Прагматика масалалари лисоний ҳамда нолисоний воситаларнинг нутқий вазият, контекст таркибида қўлланиши билан боғлиқ амалий эҳтиёж натижасида шаклланди.

Нолисоний восита ҳисобланган бадиий детал сўнгги пайтларда тилшуносларнинг тобора



кўпроқ эътиборини тортиб келмоқда. Тилшуносликда детал бадиий матннинг кичик элементи сифатида қаралади. Рус олимларининг тадқиқот ишларида бадиий деталнинг тавсифи ва таърифига турлича ёндашувлар мавжуд: [Мукаржовский Я. 1994, 416] [Березняк М. А. 1986];[Гузар З.П. 1997] ; [Колодина Н. И.]; [Кухаренко В. А 1988];[Щирова И. А 1991] ;[Черняков А.А. 1978].

Бадиий деталь умумий маънода у ёки бу нарса ҳақидаги ахборотга хос фрагмент қисми саналади. Рус олимлари формал поэтикада индивидуал ёндашув асосида бадиий матнда ҳосил бўлувчи восита сифатида бадиий детални назарда тутадилар. М.А.Березняк деталь муаммоларига филологик ёндашув таклифини беради. Лингвистик аспект нуқтаи назаридан образнинг вужудга келиши лисоний бирликлар билан боғлиқ ҳолда матнда детални юзага чиқаради. Шунинг учун М.А.Березняк детални асар структурасидаги минимал комуникатив элемент деб номлайди. Тадқиқотчининг фикрига кўра, деталнинг функционал хусусиятлари деталларни ҳосил қилувчи сўз материалларини актуаллаштиришга боғлиқ. Бунда деталь матни образли система сифатида асосий роль ўйнайди. Функционал ва параметр белгилари натижасида деталнинг уч типи ажратилади:

Констатациялаштирувчи деталь – визуал маънони лисоний бирликлар билан юзага чиқаради, ишончлилик эффектини ҳосил қилади.

Имплицитлаштирувчи деталь – лексик бирликлар маъносига нисбатан бир вақтда актуаллашишига қараб характерланади.

Репрезентал деталь – идрок қилувчи – деталнинг бу турида матн элементлари бирлашади. Бир вақтнинг ўзида лисоний бирликларнинг икки маъноси юзага чиқади: луғатларда қайд этилган маъно ва контекстдаги маъно. Деталларни қабул қилиш икки босқичда амалга ошади. Тушунишнинг семантик стадияси деб номланади. Муаллиф томонидан контекстга олиб кирилган детални сезги аъзолари ёрдамида идрок қилиш жараёнини унга хос бўлган сигнификат фарқлайди. Деталга хос визуал маънони таниш ва контекстдаги маънодан фарқлаш бир вақтда рўй беради. Визуал маънони таниб олиш тушунишнинг семантик босқичи саналади. Тушунишнинг семантик босқичи парадигматик ва синтагматик босқичда асосий роль ўйнайди.

Хусусан, олимларнинг таъкидлашича, жумладан, И.А Широга бадиий деталь сюжетга таъсир кўрсатувчи воситадир, деб кўрсатади. Бадиий матн система сифатида қаралганда ва унга структур ёндашилганида бадиий деталь структур элемент сифатида талқин этилади. Айни пайтда бадиий деталь шу системанинг таркибий қисми саналади. У мазмуний бирлик сифатида муаллифнинг мақсади ва комуникатив ниятини ифодалашга хизмат қилади. Структур семиотик поэтикада бадиий деталь бадиий матннинг материални шакллантиришда иштирокчи эмас, матнни қабул қилувчи жараён иштирокчиси сифатида ўрганилади. Лингвопоэтика соҳасининг ривожланиши билан боғлиқ тарзда нафақат формал, балки асарнинг мазмуний томони ўрганила бошланди. Тадқиқотчилар бадиий детални матн категорияси деб қарамадилар, балки бу тушунчаларга оид фарқланиш масаласига эътибор қаратдилар. Сабаби бадиий деталь шу вақтга қадар ўзининг аниқ таърифига ва талқинига эга бўлмаган эди. Ёзувчи мавзуни барча хусусиятлари билан қайта яратишга қодир эмас, деталлар йиғиндиси матндаги бутуннинг "ўрнини босувчи" ва ўқувчини ўзига хос нарса билан боғлашга мажбур қилади. Зарур ассоциациялар билан муаллиф ўқувчининг тасаввурига, тажрибасига таянади, у етишмаётган элементларни бадиий матнга ақлий равишда қўшади. Р.Ингарден буни "тўлиқ бўлмаган аниқлик жойларини олиб ташлаш"ни ўқувчи томонидан асарни конкретлаштириш деб атайди. Бадиий деталь (фр. деталь – қисм) – бадиий образ



яратиладиган экспрессив деталь. Бадиий деталь ўқувчига муаллиф томонидан тасвирланган расм, объект ёки характерни ўзига хос индивидуалликда тасаввур қилишга ёрдам беради. У ташқи кўриниш, кийим-кечак, атроф-муҳитни, тажрибани ёки ҳаракатни такрорлаши мумкин. Деталь кичик ҳажмли матн ёрдамида максимал маълумотни етказишга қодир. Бир ёки бир неча сўздаги деталь ёрдамида характер (унинг ташқи кўриниши ёки психологияси) ҳақида энг ёрқин тасаввурга эга бўлишингиз мумкин, ички макон, атроф-муҳит ҳақидаги маълумотларни бойитади. Ҳар доим бошқа деталлар билан ишлайдиган, дунёнинг тўлиқ ва ишончли расмини ташкил этувчи деталдан фарқли ўларок, бадиий деталь ҳар доим мустақилдир. Сўз ўзининг тўлиқ маъносини матнда кўрсатганидек, деталь ҳам ўз маъноларини кетма-кетликда, яъни бадиий матн таркибида очиқ беради. Бу эса мулоқот мукаммалигини таъминлайди.

Бадиий деталнинг мураккаб ва кўп қирралик хусусиятлари асосида уни қуйидагича тасниф қилинади: Матнда бир марта деталь пайдо бўлиши ёки муаллифнинг ниятига қараб таъсирни кучайтириш учун уни такрорлаш мумкин. Деталлар кундалик ҳаёт, манзара, портрет, ички макон, шунингдек, имо-ишора, субъектив реакция, ҳаракатлар ва нутқ билан боғлиқ бўлиши мумкин. Деталь матннинг марказидир, унинг атрофида бадиий яхлитликнинг бирлигини, композицияда муаллифнинг мавжудлигини кўриш мумкин. Деталь рамздан кўра белгига яқинроқдир, унинг матндаги кўриниши, биринчи навбатда, барқарор боғланишлар занжирини келтириб чиқаради.

В.А.Кухаренко деталларни функционал белгилари асосида тўрт гуруҳга ажратади: 1. Тасвирий деталлар;

2. Аниқлаштирувчи деталлар;

3. Характерологик деталлар;

4. Имплицитлаштирувчи деталлар.

М. Бурханова: "...семиотис тушунча билан шаклланган нолисоний бирликлар таркиби нутқ жараёнида деталлар ҳисобига ҳам бойийди. Деталлар сўзловчилар ҳақида мукамал даражада ахборот берувчи воситалар сирасига киради. Улар сўз ва имо-ишоралар каби шахс хусусиятларини ифодалаш учун хизмат қилади. Нутқ иштирокчиларига хос руҳият, характер, дунёқараш тасаввур ва миллий миналитет каби хусусиятлар мулоқотнинг асоси ҳисобланган тилда қай даражада намоён бўлса, контакт коммуникатсиянинг етакчи компонентлари саналган имо-ишора ва деталларда ҳам шу тарзда кўзга ташланади" деб таъкидлайди [10]. "Мулоқотнинг яхлит системасини ташкил этувчи бундай бирликларнинг денотативе структурага асосланган контекстуал парадигмаси ва уларнинг шахс хусусиятларини ифодалашга хизмат қилувчи функциялари махсус изланишлар объекти бўлган эмас. Кўринадикий мулоқот асосисаналган матн структураси фақат лингвистик бирликлардан иборат бўлмай, балки унинг таркиби вербал, новербал, нутқий вазият билан боғлиқ барча ифода бирликлардан ҳам ташкил топади" деб ёзади [11].

Тилшуносликдан фарқли ўларок, адабиётшуносликда тадқиқотчилар эътибори деталнинг эстетик хусусиятига қаратадилар. Масалан, Арастунинг "Поэтика" асарида қуйидаги фикрлар берилди: "...инсон акс эттирилган нарса-тасвири ҳаёлан ва яхлит, умумийликда, бетараф мавжуд бўлган, у ёки бу ҳаётини асос нуктаи назаридан мушоҳада этганидан завқ олади [10, 82]. Ёзувчи бадиий асар яратар экан, асарнинг сюжетини қаҳрамонлар характерини очиш орқали ҳам шакллантиради. Характер тасвири нутқ орқали, имо-ишора ва бошқа нолисоний воситалар орқали баён қилинади. Ёзувчи қайси воситадан фойдаланмасин, уларнинг барчасида ҳам назарда тутилган ғоя манаман деб



кўзга ташланади. Қаҳрамон характери эса очилади. Ёзувчи маҳорати билан предмет, нарса-ҳодисалар яъни деталлар тилга киради [11, 76] киради. Ана шундай воситалардан бири бадиий деталдир. Профессор Д.Қуронон детални ғоявий–бадиий юк ташувчи восита сифатида изоҳлайди, бадиий воқеаликни яратиш воситаси-ашёси бўлиб, тасвирланаётган нарса-ҳодисани конкретлаштириши, ҳиссий идрок қилишга кўмак беришини, детал асарда тасвирланган образнинг кичик бир қисми эканлигини ва энг аввало асарни жонли тасвирлашга хизмат қилишини айтади. Лекин деталнинг функцияси шу билан чекланмаслигини таъкидлайди. У бадиий воқеалик ашёси бўлиш билан бирга бадиий умумлаштиришга интилади, аниқлаштиради, тўлдиради, кучайтиради. Деталнинг бирламчи функциясини кўриб чиқади унга кўра:

1. Ҳаракат
2. Портрет
3. Пейзаж
4. Маиший турмуш

Каби турларга бўлади. Бундан ташқари

1. Умумлаштириш
2. Психологик функция
3. Респектив установка бериш функциясиларини ҳам бажаради.

Бундан кўринадики, деталь асар матнида полифункционал табиатга эга дея таъкидлайди [12, 88].

Адабиётшунос олим Иззат Султон ўз қарашларида асарнинг поэтик бирликлари қаторига кирувчи деталнинг бадиий-эстетик вазифалари ёки хусусиятларини қуйидагича изоҳлайди: ”Бадиий асардаги деталь – оддий ҳаётдаги деталь эмас, балки ўзида типиклик ва индивидуаллик хусусиятларини йиққан воситадир. Бирор киши образини яратиш учун ёзувчи ўзига, шу билан бирга, шу киши вакили бўлган муҳитга хос деталларни танлаб ва йиғиб олиши керак. Шундай йўл билан тасвир этилган кишининг ҳар бир иши ва сўзи ўқувчи учун ишонарли бўлади” [13, 192]. Маҳоратли ҳикоянавис А.Қаҳҳор: ”Қизиқ детал, чиройли парча шу вақтда асарнинг қимматини оширадики, шу қизиқлиги, шу чиройлиги билан идеянинг ташвиқ қилинишига хизмат қилса” деб ёзади. А.Қаҳҳор асарларини таҳлил қилган М.Султонова ҳам деталларнинг муайян шароит ва психологик ҳолат тасвири учун ўринли бўлиб, қаҳрамон дунёқараши, унинг характеридаги айрим томонларни кўрсатишда катта аҳамият касб этишни айтиб ўтади [123]. Бундан ташқари, деталлар давр характери, кундалик майда чуйда нарсалар орқали кўрсатиш учунгина хизмат қилмай балки образнинг билим савиясини, дунёқарашини ҳам белгилаб беришини таҳлил қилади [124]. Бадиий матнда детал бирдан кўринмаслиги, сезилмаслиги, ўқувчи унга эътибор бермаслиги ҳам мумкин. Лекин деталсиз асарни ва детал билан боғлиқ воқеани, образни тасаввур қилиш қийин эканлигини ёзади [125]. Султонова деталлар ниҳоятда хилма –хил эканлигини у “авторники” ҳам “қаҳрамоники” ҳам бўлиши мумкин. Детал нутқда, пейзаж, портрет ва бошқа тасвирий воситаларда бўлиши ҳам мумкинлиги ҳақида мулоҳазаларида билдиради [126]. Уларнинг аҳамияти асар ғояси билан образ ва персонажларни характерлашдаги хизмати билан белгиланишини таъкидлайди. Деталнинг характери унга юклатилган вазифа билан белгиланади. Бу ерда асарнинг жанр хусусиятини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас [128]. Ёзувчи тутган позицияси унинг муайян образга воқеа ва ҳодисага бўлган муносабати детал характерини белгилайди.



Ёзувчи бир ерда қаҳрамонга ачиниб, унинг соддалигидан кулади-бунинг учун биргина характерли деталнинг ўзи етарли [132].

Хулоса

Ёзувчи воқеликни образли тасвирлаши учун курук сўзнинг ўзи кифоя қилмайди, гарчи танланган сўзлар бадиий бўёққа, поэтик либосга эга бўлмасин, асарда воқеликка ҳамоҳанг бўлган бадиийликни, бадиий фонни ифодалайдиган воситалар тасвири берилмас экан, характерлар очилмайди, назарда тутилган ғоя ифодаланмайди, сюжет шаклланмайди. Шунинг учун бадиий деталь ёзувчининг ғоявий-эстетик мақсадини ифодалашда муҳим роль ўйнайди. Баъзан ёзувчи асар композициясига ўринли киритган биргина деталь воситасида кўпгина теран маъноларни ифода эта олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мукаржовский Я. Исследования по эстетике и теории искусства / Я.Мукаржовский. - М. Искусство, 1994. - 605 с.
2. Гузар З.П. Художественная деталь в произведениях Ивана Франко бориславского цикла: Автореф. дис.... канд. филол. наук / З.П. Гузар. - Львов, 1970. -30 с.
3. Колодина Н. И. Художественная деталь как средство текстопостроения, вовлекающее читателя в рефлексивный акт: Автореф. дис. ... канд. филол. наук / Н.И. Колодина. - Тверь, 1997. -19 с.
4. Березняк М. А. Типы и функции художественной детали в англоязычной прозе: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук / М.А. Березняк - Одесса, 1986. -21 с
5. Кухаренко В. А. Интерпретация текста / В.А. Кухаренко - М.: Просвещение, 1988. - 188 с.
6. Щирова И. А. Лингвостилистические средства реализации художественной детали в коротком психологическом рассказе: Дисс. ...канд. филол. наук / И.А.Щирова. - СПб., 1991. - 182 с.
7. Черняков А.А. Художественная деталь как объект эстетического анализа: Автореф. дис.... канд. филол. наук / А.А. Черняков. - Астрахань, 1978. - 19 с.
8. В.В. Петров. Философия , Семантика , прагматика Б кн .: Новое в зарубежной лингвистике Вып ХВИ. М. 1985 С. 471
9. А. Нурмонов Танланган асарлар.Т.: Академнашр, 2012 126-бет.
10. Абу Наср Форобий “Шоирлар санъати қонунлари ҳақида” 82 -бет
11. Солижонов Ё “Деталлар тилга кирганда” 76-бет
12. Куронов Д ва бошқалар. Адабиётшнослик луғати Тошкент 2013 ,88-бет
13. Султонов И. Адабиёт назарияси Тошкент “Ўқитувчи” 1986-й 192-бет
14. Бурханова М. Олфактор лингвистика. Фарғона-2022-й. 10-бет.
15. Gaziyeva M. The pragmatics of the prosodic means// International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA. – 2021. Volume – 7. Issue – 5. May 30. P. 229-234
16. Gaziyeva M. The Scientific Paradigm Of Acoustic Phonetics// Academic Leadership (Online



Journal) ISSN: 1533-7812, Vol-21-Issue-05-May-2020, 137-143 page

17. Gaziyeva M. On the Matters of the Phonosyntactics//Anglisticum- International Journal of Literature, Linguistics and Interdisciplinary Studies. Volume 7, Issue 5. – Kosovo (Macedonia), 2018
18. Gaziyeva M., Jonridova S. ON THE CONTENT STRUCTURE OF THE TEXT// International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA. – 2021. Volume – 104. Issue – 12. December 30. P. 487-490
19. Gaziyeva M., Burxanova M. About Innovative Methodology In Mother Tongue Lessons.//International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA. – 2021. Volume – 104. Issue – 12. December 30. P. 501-504
20. Gaziyeva M., Burxanova M. Урғу – просодиканинг асосий элементи// Сўз санъати халқаро журналы, 2020, 1-сон, 2 жилд, 200-206.
21. Gaziyeva, M., & Burxanova, M. (2020, December). PROSODICS ON RESEARCH. In *Конференция*.
22. Газиева, М., & Бурханова, М. (2020). УРҒУ–ПРОСОДИКАНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТИ. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 3(1).
23. M Hakimov, M Gaziyeva Pragmalingvistika asoslari. Farg'ona – 2020
24. M Gaziyeva The Scientific Paradigm Of Acoustic Phonetics. AcademicLeadership (Online Journal) – 2020
25. Zokirov, M., & Isomiddinov, F. (2020, December). About the holes of language language dictionary. In *Конференция*.
26. Turdaliyevich, Z. M. (2022). To the Question of the Study of Arabisms in the Persian Language. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 5, 566-570.
27. Turdaliyevich, Z. M. (2022). About Grammatical or Morph syntactic Interference. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 768-773.
28. Turdaliyevich, Z. M. (2022). Analysis of Phraseological Units in Tohir Malik's Novel" Talvasa". *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 6, 364-368.
29. Zokirov, M. T., & Dadabayeva, S. S. (2020). ABOUT THE ROLE OF LANGUAGES CONTACTS IN THE DEVELOPMENT OF LANGUAGES. *Theoretical & Applied Science*, (4), 687-691.
30. Зокиров, М. Т. (2017). ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРИХ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (4-2), 45-49.
31. Зокиров, М. Т. (2015). Об общей характеристике билингвизма. *Учёный XXI века*, (7-8 (8-9)), 24-27.
32. Turdaliyevich, Z. M. (2022). YOZUVNING KELIB CHIQISH TARIXI. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(9), 56-62.
33. Turdaliyevich, Z. M., & Muzaffar, M. (2022). INGLIZ TILIDAGI REKLAMA MATNLARIDA ANTROPONIMLAR QO‘LLANISHI XUSUSIDA. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(8), 121-124.
34. Turdaliyevich, Z. M. (2022). BADIY NUTQ USLUBINING



- TARAQQIYOTI. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 681-685.
35. М Бурханова БАДИЙИ МАТНДА ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИ ТАСВИРИНИНГ КРЕОЛИЗАТИВ-СТРУКТУР ТАДҚИҚИ ХУСУСИДА - МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА, 2021
 36. ММҚ Бурханова ОЛЬФАКТОР КОГНИТИВ МЕТАФОРА- Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali, 2022
 37. Ҳ Муҳаммад, М Бурханова НУТҚИЙ АКТЛАР ИМПЛИЦИТ СТРУКТУРА БИРЛИГИ СИФАТИДА - МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА, 2021
 38. М Hakimov Pragmatic interpretation of the text in Uzbek language. Author's abstract of the dissertation of the doctor of philological sciences - Tashkent, 2001
 39. М Ҳакимов Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри... – 2001
 40. МК Hakimov К. Leksicheskie edinicy vremeni v uzbekskom jazyke i ih parametry formatirovaniya teksta. Fergana – 2004
 41. М Hakimov Fundamentals of Uzbek pragmalinguistics- Tashkent: Akademnashr, 2013
 42. А Nurmonov, М Hakimov Theoretical formation of linguistic pragmatics- Uzbek language and literature, 2001
 43. М Hakimov Ўзбек прагмалогистикаси асослари. Toshkent: Akademnashr – 2013
 44. М Hakimov, U Nosirova On pragmapoetic symptoms - Конференции, 2020
 45. М Hakimov, U Nosirova Pragmatic indicators of poetic text - International Journal of Pharmaceutical Research, 2020
 46. М Hakimov Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Filolog. fan. d-ridasi – 2001
 47. М Hakimov О ‘zbek прагмалогистикаси асослари - Т.: Akademnashr, 2013.